



**Ўзбекистон Республикаси номидан
Ҳал қилув қарори**

2022 йил 23 июнь

Нарпай тумани

4-1402-2202/727-сонли иш

Каттакўрғон туманлараро иқтисодий судининг судьяси Р.М.Бегимовнинг раислигида, судья ёрдамчиси Ж.Сагдуллаевнинг суд мажлиси котиблигида, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармасининг даъвогар [REDACTED] манфаатида жавобгар [REDACTED] фермер хўжалигига нисбатан киритган даъво аризаси асосида қўзғатилган иқтисодий ишни, [REDACTED] маъмурий биносида, очик сайёр суд мажлиси муҳокамасида, даъвогар [REDACTED] (ишончнома асосида) иштирокида кўриб чиқиб, суд қуйидагиларни,-

А Н И Қ Л А Д И:

Каттакўрғон туманлараро иқтисодий судига Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси даъвогар [REDACTED] манфаатида даъво аризаси билан мурожаат қилиб, даъво талабида даъвогар [REDACTED] фойдасига жавобгар [REDACTED] фермер хўжалигидан 42085585,71 сўм қопланмаган бўнак ва олдиндан тўлаб чиқилган 21 600 сўм почта харажати ундиришни, ишни палата вакили иштирокисиз кўриб чиқишни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси ИПКнинг 127-моддаси тартибида хабардор қилинган жавобгар суд мажлисига вакил иштирокини таъминламади. Суд ИПКнинг 170-моддасига асосан ишни палата ва жавобгар иштирокисиз мавжуд ҳужжатлар асосида кўриб чиқишни лозим деб топди.

Суд мажлисида иштирок этган даъвогар вакили [REDACTED] судга кўргазма бериб, даъво талабини қувватлаб, даъво аризасидаги важларни такрорлаб, даъво аризаси судга тақдим этилгандан сўнг, яъни 2022 йил 10 июнда жавобгар томонидан қисман тўловлар амалга оширилганлигини билдириб, судга бугунги кун ҳолатига солиштирма далолатнома тақдим этиб, даъво аризасини қисман қаноатлантиришни сўради.

Суд даъвогар вакилининг кўргазмасини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб, уларга ҳуқуқий баҳо бериб, қуйидаги асосларга кўра даъво аризасини қисман қаноатлантиришни лозим деб ҳисоблайди.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича [REDACTED] фермер хўжалиги (кейинги ўринларда “Хўжалик”) ва [REDACTED] (кейинги ўринларда “Тайёрловчи”) ўртасида 2021 йил 17 сентябрда бошоқли дон харид қилиш бўйича 20-сонли шартнома тузилган.

Шартнома шартларига кўра, “Тайёрловчи” томонидан “Хўжалик”ка бошоқли дон етиштириш учун уруғлик ғалла ва (ёки маблағ) бўнак сифатида етказиб берилган.

Шартноманинг 3.3-бандида, “Хўжалик” уруғлик қийматининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан, қолган фоизини уруғликни олган пайтдан бошлаб 60 кундан кечиктирмасдан тўлаб бериши лозимлиги кўрсатилган.

Иш ҳужжатларига илова қилинган ҳисоб-варақ фактурасига кўра жавобгар уруғлик ғаллани қабул қилиб олган. Бироқ, даъвогарга етарли дон маҳсулоти топширилмаган. Натижада, даъвогар олдида олинган бўнак ҳисобидан 42085585,71 сўм қарз бўлиб қолган.

Тарафлар томонидан 2022 йил 01 январь куни тузилган солиштирма далолатнома кўра, жавобгар даъвогар олдида 42085585,71 сўм кредитор қарзи борлигини тан олган.

Даъвогар 2021 йил 01 декабрдаги 316/137-сонли талаб хати билан жавобгарга расман мурожаат қилиб, мавжуд 42085585,71 сўм қарздорлигини 10 кун муддатда тўлаб беришни талаб қилган.



Жавобгар даъвогарнинг ушбу талабномасига муносабат билдирмаган ва талабномада белгиланган муддатда мавжуд қарзларини тўлаш чораларини кўрмаган.

Даъвогар вакили томонидан судга тақдим этилган бир томонлама тасдиқланган солиштирма далолатномага кўра, жавобгар томонидан даъво аризаси судга тақдим этилгандан сўнг, яъни 2022 йил 10 июнь куни 12100000 сўм тўлаб берилган. Жавобгарнинг бугунги кундаги қарзи 36708002,10 сўмни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 234-моддасида, мажбурият фуқаролик ҳуқуқий муносабати бўлиб, унга асосан бир шахс (қарздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракатни амалга оширишга, чунончи: мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ва ҳоказо ёки муайян ҳаракатдан ўзини сақлашга мажбур бўлади, кредитор эса қарздордан ўзининг мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ушбу Кодексда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади деб, 236-моддасида, мажбуриятлар мажбурият шартлари ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганда эса-иш муомаласи одатларига ёки одатига қўйилган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак деб белгиланган.

Бундай ҳолатда, суд даъвогарнинг жавобгардан 42085585,71 сўм асосий қарзни ундириш талабини асосли ва иш ҳужжатлари билан ўз исботини топди деб, бироқ жавобгар томонидан даъво аризаси судга тақдим этилгандан сўнг 12100000 тўлаганлигини инobatга олишни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118-моддаси, 1-қисмига асосан, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади. 5-қисмига асосан даъвогарнинг талаблари у судга мурожаат қилганидан сўнг жавобгар томонидан ихтиёрий равишда қаноатлантирилса, суд харажатлари жавобгарнинг зиммасига юклатилади.

Юқоридагиларни инobatга олиб, суд даъво аризасини қисман қаноатлантиришни, жавобгар " ██████████ " фермер хўжалиги ҳисобидан даъвогар ██████████ фойдасига 36708002,10 сўм асосий қарз ва олдиндан тўлаб чиқилган 24 000 сўм почта харажати ундиришни, даъво талабининг қолган қисмини қаноатлантиришни рад этишни, ундирилиши лозим бўлган давлат божини жавобгардан ундиришни лозим деб топди.

Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 176-180, 186-моддаларига асосланиб, суд,

Қ А Р О Р Қ И Л Д И :

Даъво аризаси қисман қаноатлантирилсин.

Жавобгар ██████████ фермер хўжалиги ҳисобидан даъвогар ██████████ АЖ фойдасига 36708002,1 сўм асосий қарз ва олдиндан тўлаб чиқилган 24 000 сўм почта харажати ундирилсин.

Даъво талабининг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилсин.

Жавобгар ██████████ фермер хўжалиги ҳисобидан давлат бюджетига (Суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармасига) 841711,71 сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач, ижро варақаси берилсин.

Ҳал қилув қароридан норози томон бир ойлик муддат ичида Каттақўрғон туманлараро иқтисодий суди орқали Самарқанд вилоят судига апелляция тартибида шикоят беришга (протест келтиришга) ҳақли.

Судья

Р.М.Бегимов

